



ВАКОЛАТЛИ ИҚТИСОДИЙ ОПЕРАТОРЛАРИ ЮКЛАРНИ ХАВФСИЗ ЕТКАЗИЛИШИ ЗАНЖИРИДА БОЖХОНА ОРГАНЛАРИНИНГ ИШОНЧЛИ ҲАМКОРИ СИФАТИДАГИ АҲАМИЯТИ

Хабибов Рустам Изатуллаевич

*Давлат божхона қўмитаси Божхона институти бошлиғи
ўринбосари. Тошкент, Ўзбекистон. tiger.1974@list.ru*

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss3/a15

Аннотация

Мақолада ваколатли иқтисодий операторларининг божхона хизмати самарадорлиги ва халқаро юкларни ташиш хавфсизлигини оширишдаги аҳамияти, мамлакатимизда уларнинг ривожланганлик даражаси, халқаро тажриба таҳлили натижалари кўриб чиқилган. Масалани янада чуқурроқ ўрганиш талаб этиладиган жиҳатлари бўйича таклифлар берилган.

Калит сўзлар: ваколатли иқтисодий операторлар, махсус соддалаштиришлар, божхона-тартиб-таомиллари, SAFE ҳадли стандартлар.

Аннотация

В статье рассмотрено значение уполномоченных экономических операторов в повышении эффективности таможенной службы и безопасности перевозок международных грузов, уровень их развития в нашей стране и результаты анализа международного опыта. Предложены аспекты, требующие более глубокого изучения.

Ключевые слова: уполномоченные экономические операторы, специальные упрощения, таможенные процедуры, Рамочные стандарты SAFE.

Abstract

The article considers the importance of authorized economic operators in growing the efficiency of the customs service and the safety of international cargo transportation, the level of their development in our country and the results of the analysis of international experience. Aspects that require more in-depth study are proposed.

Keywords: authorized economic operators, simplified procedures, customs procedures, SAFE Framework of Standards.

Кириш

Божхона қонунчилиги бузилиши, божхонадаги коррупцион ҳолатлар мамлакат иқтисодий хавфсизлигига жиддий зарар етказди. Божхона тўловлари ундирувчанлигига, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, инвестиция муҳитга салбий таъсир этади, ҳалол тадбиркорликка ишонч даражасини пасайтиради.

Бугунги кунда божхона маъмурчилигидаги ислоҳотлар очиқлик, шаффофлик ва рақамлаштиришга қаратилган.

Замонавий илғор божхона тажрибалари божхона-тадбиркор ўзаро ишончга асосланган яқин ҳамкорлик, жумладан ваколатли иқтисодий операторлар (кейинги ўринларда – ВЮ) аҳамияти ошиб бормоқда. Мамлакатимизда улар божхона тартиб-таомилларининг янада соддалаштирилишига, божхона органлари фаолияти

самарадорлигини оширишга, бизнесни ривожлантириш йўлида бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва мамлакатда инвестиция муҳитини яхшилашга хизмат қилаётганлиги эътироф этилган[3].

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Илк ВАОлар Божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш Киото Конвенциясида (18.05.1973) тилга олинган, бугунги кундаги такомиллаштирилган шакли эса, 2005 йилда Бутунжаҳон божхона ташкилотининг (ББТ) SAFE ҳадли стандартларида акс этган[7].

2022 йил февралда Божхона кодексига (7¹-модда), божхона операцияларни амалга оширишда махсус соддалаштирилган божхона тартиб-таомилларидан фойдаланувчи янги ТИФ субъекти – ВАО киритилди[1]. ВАО юридик шахсга (давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари бўлмаган) бериладиган мақом. Оператор реестрга киритилган вақтдан бошлаб, хавф даражаси паст бўлган тоифага киради[3].

Аслида, божхона қонунчилигига кўра, ваколати шахс - товарнинг ва (ёки) транспорт воситасининг эгаси ёки товарга ва (ёки) транспорт воситасига нисбатан божхона тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ ваколатларга эга бўлган ёхуд товарнинг ва (ёки) транспорт воситасининг эгаси номидан тегишли шартнома ёки ишончнома асосида иш кўрувчи шахс[1]. Масалан, божхона иши бўйича мутахассис, халқаро почта ёки курьерлик операторлари, ташувчи компаниялар ёки транспорт воситалари ҳайдовчилар улар туркумига киради. ВАОлар улардан фарқли ўлароқ, божхона операцияларни амалга оширишда соддалаштирилган божхона тартиб-таомилларидан фойдаланади.

Демак, ВАО деганда, товарнинг ва (ёки) транспорт воситасининг эгаси ёки товарга ва (ёки) транспорт воситасига нисбатан қонунчиликка мувофиқ ваколатларга эга бўлган ёхуд товарнинг ва (ёки) транспорт воситасининг эгаси номидан тегишли шартнома ёки ишончнома асосида иш кўрувчи, қонунчиликда белгиланган талабларга жавоб берувчи, божхона операцияларни амалга оширишда соддалаштирилган божхона тартиб-таомилларидан фойдаланадиган юридик шахс тушунилади.

ВАО институти мазмуни ТИФ иштирокчилари қанча ҳалол ва ишончли фаолият олиб борса, улар учун божхона тартиб-таомилларида шунча енгиллашади, божхона ва бизнес ўртасида яқин ҳамкорлик юзага келади, пировардида, тадбиркор учун юклари божхона туриб қолмаслиги олди олинади, божхона учун қонубузарилик камайиши, юклар хавфсизлиги, божхона тўловлари тўлиқ ундирилиши таъминланади. Улар қанча қонунга итоат этган ҳолда тижорат фаолият олиб боришлари ўсиб борса, божхона маъмурияти улар фаолиятига аралашуви ҳам шунча даражада пасайиб боради.

Тадқиқот методологияси


ВАОлар фаолиятини ўрганиш бўйича тўпланган маълумотлар, тадқиқот хулоса ва таклифлари таққослаш ва солиштириш орқали таҳлил қилинди, эмпирик тадқиқот натижасида олинган натижалар асосида ВАОларни моделлаштиришга ҳаракат қилинди.

Таҳлил ва натижалар

Ҳар қандай соҳа каби божхона учун иқтисодий жиноятлар, коррупцияни олдини олиш ҳар доим долзарб ҳисобланади. Юртбошимиз Ш.Мирзиёев 2022 йил 17 февраль куни божхона ходимлари билан ўтказган йиғилишда, тизимини янада ислоҳ қилиш ва коррупциядан ҳоли соҳага айлантириш топшириғини берди[18].

Божхона қонубузарилигини йўқ қилиб бўлмайди, уни фақат камайтириш мумкин. 2021 йилда божхона органлари томонидан 857,0 млрд. товар-моддий бойликлар

ноқонуний айлануви олди олинган ва 2020 йилга нисбатан 456,4 млрд. сўмга кўпайган (1-расм). 2022 йил апрел ойининг 3 кунда Андижон вилояти божхона бошқармаси томонидан 6,4 млрд. сўмлик, Бухоро вилоятида 3,2 млрд. сўмлик турли товар-моддий бойликлар юртимизга ноқонуний олиб кирилиши олди олинган[19].



1-расм. Божхона қонунчилиги бузилиши ҳолатлари бўйича товар-моддий бойликлари қиймати (млрд.сўм)

Ташқи савдо бўлмаса, божхонага ҳам эҳтиёж ҳам йўқ. Божхона тўловлари ундирувчанлиги ташқи савдо ривожланганлигига боғлиқ. Бири иккинчисини тўлдиреди ва ўзаро бир-бирига сўянади. Ташқи савдо мамлакат иқтисодиётини ривожланиш “драйвери”. Божхона усуллари ТИФни тартибга солиш инструменти. Президентимиз таъбири билан айтганда, “Божхона тизими мамлакатимизни жаҳон иқтисодиёти билан боғлайдиган муҳим бўғин. Бу тизим тўғри ва очиқ-ошкора ишламаса, тадбиркорлик ва инвестицияларга тўсиқ бўлади”[18].

Ушбу тўсиқларни олдини олиш мақсадида 2005 йилда ББТ томонидан SAFE ҳадли стандартлари ишлаб чиқилиб, халқаро юкларни хавфсиз ташиш, чегарада туриб қолмаслиги ва халқаро савдони соддалаштириш стандартларини тавсия этди. Ушбу ҳужжатда ВАОларга алоҳида ўрин берилди[7].

Божхона чегарада “дарвозачи” эмас, “кўмаклашувчи” бўлиб хизмат қилиши керак. Божхона назорати самарадорлиги ишонч ва ҳамкорликка қурилган 3 та асосга таяниши халқаро стандарт сифатида қабул қилинган: “божхона-божхона”, “божхона-бизнес”, “божхона-бошқа идоралар”. Божхонанинг мувофиқлаштирувчи ролини тан олиш унинг принципи, “ягона ойна” интеграциялашган ахборот тизими эса, ягона платформасини ташкил этади.

Божхона тартиб-таомиллари доимий ривожланишда, фақат миллий нормалар асосида божхона ишини тартибга солиб бўлмайди, миллий модел уникал бўла олмайди. Божхона иши табиати ташқи савдо билан боғлиқлиги сабабли, халқаро стандарт ва қоидаларга мос ва уйғунлашган бўлиши керак. Уларни яратишда халқаро товарларни етказиб бериш занжирида иштирок этучи бошқа божхона хизматлари билан бирхиллик ва уларнинг натижаларини тан оладиган даражада бўлишига эътибор қаратиш зарур.

Қоидалар, тартиб-таомиллар қанча очиқ, аниқ, қулай, шаффоф бўлса ва бу шароит турғун турса, божхона қонунчилигига риоя қилиш шунча ортади, қонунга итоаткор,

ҳалол тадбиркор сони ошади, божхона ходими шунча қонуний фаолият олиб боради ва ахлоқ-одоб сифатлари пайдо бўлади.

Экспорт ва импорт билан шуғулланиш истаги бор ҳар қандай шахс ТИФ субъекти бўлиши мумкин, уларнинг сони чеклаб бўлмайди. Истаса ўзи мустақил (брокерсиз) товарларни божхона процедураларидан ўтишини амалга ошириши мумкин. Масаланинг шу жиҳати ҳам халқаро юкларни хавфсиз ташилишини бошқариш ва назорат қилишни мураккаблаштиради. ВАОлар божхона қонунчилигига риоя қилишини таъминлашда божхона ва бизнес ўртасида кўприк ва ишончли ҳамкор вазифасини ўтайди[13].


Божхона тўловларидан қочиш мақсадида унинг қиймати ва ўлчовини пасайтириб декларациялаш, товарларнинг ТИФ ТН кодини ўзгартириш, ставкаси паст бошқа товарларга алмаштириб олиб киришга уриниш божхона қонунчилиги бузилишининг энг кўп учрайдиган ҳолатлари ҳисобланади.

ББТ тавсиясига кўра, божхона қонунбузарликларини қисқартиришда самарали усуллардан бири, қонунга итоат қилишини намоён этаётган ТИФ иштирокчиларини рағбатлантириш ва бу орқали ҳалол тадбиркорлар доирасини кенгайтириш ҳисобланади. Тадбиркорлар шаффоф тижорий иш юритиши, молиявий салоҳиятини намоён қилиши керак[7].

АҚШда 11500 та, Хитойда 3200 та, Германияда 5614 та, Канадада 1500 та, Нидерландда 1440 та, Буюк Британияда 610 та, Жанубий Корея ва Японияда 500 тадан, Россияда 218 та, Белоруссияда 323 та, Қозоғистонда 90 та ВАО фаолият олиб боради[11].

Ўзбекистонда халқаро стандартларга мувофиқ 2019 йил 1 февралдан инсофли ТИФ иштирокчилари учун ВАО институтига асос солинди[2]. 2019 йил декабрда махсус соддалаштиришлар рўйхати ҳамда танлаш мезонларини ишлаб чиқилди[3].

Мамлакатимизда ВАО сони 44 тани ташкил этади[16]. 2020 йил августда реестрга 25 та бўлган бўлса[3], 2022 йил 1-чорагида 9 тага кўпайган[20] (2-расм).



2-расм. Мамлакатимизда ваколатли иқтисодий операторлар сони ўсиши

Реестрга киритилган жами 44 та ВАОларнинг 3 тасининг рухсатномаси тўхтатиб қўйилган, 21 таси 1-турдаги, 5 таси 2-турдаги ва 15 таси 1 ва 2-турдаги рухсатномаларга эга (1-жадвал).

Ваколатли иқтисодий операторлар реестрига киритилган юридик шахслар

Жами реестрга киритилганлар (1.05.2022й.)	Амалдаги рухсатнома	1-турдаги	2-турдаги	1 ва 2-турдаги	3-турдаги
44	41	21	5	15	-

2019-2021 йилларда ВАОлар 1600 та операцияда 157 млрд. сўмдан зиёд божхона тўловларини бўлиб-бўлиб ёки кечиктириб тўлаш имконига эга бўлишган. Ишлаб чиқаришда зарур бўлган хом ашё ва товарларни божхона омборига туширмасдан туриб, ўз омборларига тўғридан-тўғри тушириш имкониятидан 7 минг мартадан ортиқ фойдаланишган[17].

ВАОлар ишлаб чиқарувчилар, импортерлар, экспортёрлар, брокерлар, ташувчилар, савдо агентлари, омбор эгалари, дистрибьютерлар ва бошқа ТИФда иштирок этувчи шахслар бўлиши мумкин. Мамлакатимизда 2019 йилда мақомни товарлар экспорт ва импортини амалга оширувчи ТИФ қатнашчилари олган бўлсалар, 2020 йил августдан рўйхат кенгайтирилиб, унга божхона омбори эгалари, божхона брокерлари ҳамда божхона ташувчилари киритилган.

Ўтган давр мобайнида шаклланган амалиёт ВАОни мамлакатимизда кенг жорий этиш борасида тизимли иш олиб бориш зарурлигини кўрсатди[3]. Уларнинг сонини кўпайтириш ДБҚ Раиснинг биринчи ўринбосари фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезони сифатида белгиланган[5]. 2022 йилда уларнинг сонини яна 20 тага кўпайтириш режалаштирилган[20] 2-жадвал).

Ваколатли иқтисодий операторлар реестрига кирувчи ТИФ субъектлари сонини кўпайтириш режаси

(ДБҚ Раиси 1-ўринбосари фаолият самарадорлиги баҳолаш мезони)

2022 йил 5 апрел ҳолатига

1-чорак режаси	бажарилди	2-чорак режаси	3-чорак режаси	Йиллик режа
3	9	7	5	20

ВАОларга муайян табақалаштирилган шартлар асосида 3 турдаги гувоҳнома берилади (3-жадвал).

Булардан ташқари, ВАОларга божхона органларига ўз вақтида маълумотларни тақдим этиш ва фаолиятини автоматлаштирилган тизим асосида йўлга қўйиш мажбурияти юкланган.

ВАОлар муаммолар таҳлили шуни кўрсатдики, божхона тўловлари таъминот маблағи суммаси ҳамда божхона операциялари бўйича йиллик кўрсаткичлари катталиги, юк сақланадиган ва расмийлаштириладиган жойларга мураккаб талаблар қўйилиши, мақомни доим сақлаб туриш кераклиги унинг ривожланишига, бошқа салоҳиятли тадбиркорлар учун тўсиққа айланиб қолиши мумкин. Бу фақат санокли монополь шахслар рақобатсиз фаолият юритишларига имконият яратиб, кичик бизнес йўлини тўсиб қўяди[10]. Масалан, ВАОлар реестридаги актив 41 та шахснинг 21 та

шахсда 1-турдаги гувоҳномага эга. Демак, мавжуд ВАОларнинг ярими товарлари учун 50% божхона тўлови таъминотини амалга оширади.

3-жадвал

ВАО реестрга киритиш мезонлари

№	Мезонлар	Барча турдаги	2-турдаги	3-турдаги
1.	Юридик шахснинг раҳбари, бош бухгалтери ва ваколатли шахсининг охириги 1 йил давомида Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 171, 171 ¹ , 174, 175, 176, 177 ва 227-227 ²¹ , 227 ²² -модданинг биринчи, 227 ²³ -227 ²⁷ -моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликка тортилмаган бўлиши	+		
2.	Охириги 5 йил давомида ушбу шахслар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 175, 182, 184, 188, 189, 209, 228 ва 246-моддаларида назарда тутилган жиноят учун жиноий жавобгарликка тортилмаган бўлиши	+		
3.	Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни, шу жумладан, улар бўйича жарима ва пенялар тўлаш юзасидан қарздорлик мавжуд бўлмаслиги	+		
4.	3 йил ТИФни амалга оширган бўлиши, бунда:	+		
4.1	божхона брокери сифатида ҳар йили камида қиймати \$10,0 млн, 500 тадан кам бўлмаган декларацияларини тақдим этиши;	+		
4.2.	божхона омбори эгаси сифатида йиллик қиймати \$10,0 млн, 10,0 млн кг миқдордаги товарлар сақловини амалга ошириши;	+		
4.3.	божхона ташувчиси сифатида ҳар йили 200 тадан кам бўлмаган партия халқаро ташувларини амалга ошириши;	+		
4.4.	ТИФ иштирокчиси сифатида: фактура қиймати сўнги 12 ойда \$2 млн, 100 та декларация расмийлаштирган бўлиши; ёки тўланган божхона тўловлари базавий ҳисоблаш миқдорининг камида 20 минг баробарини ташкил қилиши ва камида 50 декларация расмийлаштирган бўлиши лозим.	+		
5.	Омбор сифатида фойдаланишга мўлжалланган иншоот, бино ва очиқ майдончаларга эга бўлиши ва дебитор қарздорлик мавжуд бўлмаслиги керак.		+	
6.	Камида 2 йил давомида 1 ва 2-турлардаги гувоҳномага эга бўлиб, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириши лозим.			+

Шунингдек, мақомни олиш мезонлари қанчалик қийин бўлса, уни йўқотиш аксинча шунча осон. Масалан, йилида 1 маротаба реестрдаги ВАОлар мезонларга мослиги текширувдан ўтказилади.

ВАОлар фаолияти ўз хошишига кўра ёки маълум талабларга жавоб бермаса, ёхуд реестрга киритиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг амал қилиш муддати тугаганда

мақоми тўхтатилиши, қайта мувофиқ келса тикланиши, бартараф этиш чоралари кўрилмаса тикланиши рад этилиши мумкин (4-жадвал)[3].

Масалан, божхона тўловларидан ҳосил бўлган қарздорлик 30 кун ичида тўланмаса ёки ТИФ фаолиятидаги мезонда белгиланган кўрсаткичлари 1 йил ичида асл ҳолига келмаса, мажбуриятларни 1 йилда 2 мартадан ортиқ бажармаса ёки ишончсиз маълумот берганлиги аниқланса, реестрдан чиқариб юборилади. Бу ҳолатда ВАО 3 йилдан сўнг, жиноий иш доирасида ҳукм сабабли йўқотилган мақомни тиклаш учун 5 йилдан сўнг қайта муружат қилиш мумкин.

ВАОларга нисбатан жиноят ҳолати аниқланса, солиқлар бўйича қарздорлик пайдо бўлса, назорати идоралари 3 иш кунда божхона органларини ахборот тизимлари орқали хабардор қилади. Уларнинг товарларга нисбатан божхона тартиб-таомилларини назорат органининг алоҳида қарори қабул қилингунига қадар тўхтатиб турилиши мумкин[3].

4-жадал

ВАО мақомини тўхтатиб туришга асос бўладиган шартлар, муддатлари ва реестрдан чиқариш учун асослар

№	Шартлар	Тўхтатиб туриш даври	Реестрдан чиқариш асослари
1.	Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 171, 171 ¹ , 174, 175, 176, 177 ва 227 — 227 ²¹ , 227 ²² -модданинг биринчи қисми, 227 ²³ – 227 ²⁷ -моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар учун операторнинг раҳбари ёки бош бухгалтери, шунингдек, ваколатли шахсини маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида суд қарори кучга кирганда	1 йилга	
2.	Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 175, 182, 184, 188, 189, 209, 228 ва 246-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этганлиги учун операторнинг раҳбари ёки бош бухгалтери ёхуд ваколатли шахсига нисбатан жиноят иши қўзғатилганда	оқлов ҳукми чиққунча	суд ҳукми кучга кирганда
3.	Хабарномада белгиланган муддатда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича мажбуриятлар бажарилмаганда ёки тўлиқ бажарилмаганда	30 иш кун	30 кундан ошса
4.	2-жадвалнинг 4-бандида белгиланган фаолият кўрсаткичлари камайганда	Қайта мувофиқ келгунча, лекин 1 йилгача	1 йилда бартараф этилмаса

ВАОлар божхонадан тайинланган координатор орқали божхона масалалари юзасидан маълумот олиш, мунтазам учрашувлар ўтказиб, муаммоларга ўз вақтида ечим топиш, масалаларни тезкор ҳал қилиш ҳуқуқига эгаллиги, шикоятлар сони камайишида, судгача жараёнларни етказмасликда муҳим аҳамият касб этади[15].

Қонунчиликда ВАОларга божхона-тартиб таомилларини амалга оширишда бир қатор махсус соддалаштиришлар берилиши кўзда тутилган. Хорижий давлат субъектларига ҳам ўзаро асосда берилиши мумкин (5-жадвал)[3].

**Божхона операцияларини амалга ошириш учун
махсус соддалаштиришлар турлари**

№	Мезонлар	1-турдаги	2-турдаги	3-турдаги
Товарларни ташув операцияларида энгилликлар				
1.	Товарларни декларациялаш ва чиқариш билан боғлиқ божхона операцияларини биринчи навбатда амалга ошириш	+	+	+
2.	ВИО томонидан ташиладиган товарларга нисбатан товарни ташиш йўналишини белгиламаслик	+		+
3.	Божхона тўловлари тўланиши таъминланмаган ҳолда, ВОИнинг товарларини жўнатувчи божхона органидан товар келиб тушадиган жойгача етказиб бериш	+		+
4.	Божхона тўловлари тўланиши таъминланмаган ҳолда, ВИОнинг транспорт воситасида божхона транзитини амалга ошириш	+		+
5.	Экспортер ВИОнинг пломбаларни божхона органлари томонидан идентификация воситалари сифатида тан олиниши	+		+
6.	Вақтни қисқартириш ва божхона операцияларини ўтказиш тартибини оптималлаштиришга қаратилган тажриба лойиҳаларида иштирок этиш	+	+	+
7.	Товар ва транспорт воситаларини чиқариб юбориш тўғрисида қарор қабул қилишда божхона назорати шакллари қўлламаслик (хавфни бошқариш тизимида белгиланган чоралар бундан мустасно)		+	+
8.	Божхона тўловлари тўланиши таъминланмаган ҳолда, товарларни ВИОнинг бинолари, очиқ майдончалари ва бошқа ҳудудларига божхона назорати остида жойлаштириш		+	+
9.	Божхона органлари билан келишилган ҳолда операторнинг очиқ майдонлари ва бошқа ҳудудларида товарларни чиқариш билан боғлиқ божхона операцияларини амалга ошириш		+	+
10.	Божхона тўловлари тўланишини таъминламаган ҳолда, бўлиб тўлаш ва (ёки) муддатини 20 иш кунигача кечиктирган ҳолда товарларни эркин муомалага чиқариш	50%ини таъминлаган ҳолда	+	+ (ёки 60 кунга кечиктириш)
11.	Божхона тўловлари тўланиши таъминланмаган ҳолда, товарларни чиқаришда уларнинг божхона қийматини шартли равишда аниқлаш		+	
12.	Божхона тўловлари тўланиши таъминланмаган ҳолда, товарларни чиқаришда уларнинг божхона қийматини шартли равишда аниқлаш		+	+
13.	Мувофиқлик сертификати бўлмаганда, товарларни (озиқ-овқат товарлари ва фармацевтика маҳсулотлари бундан мустасно)		+	+

№	Мезонлар	1-турдаги	2-турдаги	3-турдаги
	шартли равишда чиқариш ва ҳужжатларни 60 кун давомида тақдим этиш			
14.	Божхона тўловлари тўланиши таъминланмаган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 272-моддасига мувофиқ боғхона юк декларацияси тақдим этилгунга қадар товарларни чиқариб юбориш			+
15.	Божхона хизмати координаторини тайинлаш			+
16.	Ўзбекистон билан ўзаро шартнома тузган давлатларда қўлланиладиган бошқа имтиёзлар ва махсус соддалаштиришларни тақдим этиш			+
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг 2020 йил 22 декабрдаги 800-сон қарори асосида				
17.	Чет эл товарларини ташиётган автотранспорт воситаларини Божхона ҳамроҳлигида қузатувга олмаслик	+		+
Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси 332-моддаси асосида				
18.	Божхона тўловларини кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилган ҳар 1 кун учун тўланиши лозим бўлган боғхона тўловлари суммасидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган қайта молиялаштириш ставкасининг 50 % миқдоридан, 1 кун учун қайта ҳисоб-китоб қилинган ҳисоблаб чиқарилиб ундириладиган фоизлар ҳисобланмайди.	+	+	+

ВИОлар бўйича халқаро тажриба таҳлили шунини кўрсатдики, айрим давлатларда ВИОларга махсус соддалаштиришларни тақдим этишда бир мунча либерал ёндошув ҳам учрайди (7-жадвал).

Шу билан бирга, ВИОларнинг ривожланишида айрим тўсиқлар ҳам мавжуд. Масалан:

- уларнинг ҳисобот электрон тизимига боғхоначилар назорат тартибида кириши;
- ВИОлар орқасида ноҳалоллари ҳам учраб туриши мақомни беришга шошилмаслик [8].

Айрим тадқиқодчилар махсус соддалаштиришлар боғхона назоратини сусайишига олиб келиши мумкин деб ҳисоблайди[15].

Бизнинг назаримизда, боғхона назорати самарадорлиги пасаймайди, аксинча ТИФ иштирокчилари ортиқча бюрократик назоратдан халос бўлади[9]. Хавфни бошқариш тизимида назорат чораси мавжуд бўлса, операторларнинг товарларига нисбатан боғхона назорати шакллари қўлланилади. Ҳуқуқбузарлик содир этганлар хавфнинг юқори даражасига ўтади[14]. Товарлари боғхона назорати остида бўлиш муддати тугаган пайтдан эътиборан 3 йил давомида камерал ёки сайёр ўтказиладиган боғхона аудити объекти ҳисобланади[6]. Хорижий тажрибага кўра, жиддий қонунбузарликлар содир этганлар, назорат органлари эътиборидаги объектга айланади[12].

Ўзбекистонда қўлланилмайдиган хорижда ВАОларга беридиган махсус соддалаштиришлар

Мезонлар	1-турдаги	2-турдаги	3-турдаги
Хужжатларни текшириш жараёнида ёки божхона экспертизаси натижаси чиққунга қадар божхона таъминотини киритмасдан товарни чиқариб юбориш	+		+
Божхона назоратидаги юк ортилган транспорт воситасини алмаштириш операцияларини божхона рухсатисиз амалга ошириш	+		+
Божхона юк декларацияси тақдим қилгунга қадар товарни чиқариб юбориш	+	+	+
Божхона омборига товарларни олиб келиш ва расмийлаштириш		+	+
Божхона назорати таомилларини ВАО омборида амалга ошириш		+	+
Ўз товарларини божхона омборида вақтинча сақлаш		+	+
Божхона иттифоқига аъзо мамлакатнинг бирида товар сақланаётган бўлса, бошқасида декларациялаш ва чиқариб юбориш		+	+
Божхона органи ишлатадиган идентификация воситасидан фойдаланиш		+	+

Фикримизча, ВАОларни бошқа давлатлар ўзаро тан олиши султ даражада қолса, келгусида уларга рақобатда жиддий тўсиқ бўлиши мумкин[13].

Мақомни бериш ёки тан олиш учун мамлакат иқтисодий хавфсизлиги ва божхона тўловлари тўлиқ ундирилиши кафолати бўлиши керак. Бунинг учун ВАОлар “ишончли” эканини асослаши ва уни доимий сақлаб туриши керак.

Айрим мамлакатларда хатто талабгорнинг хорижий контрагентлари молиявий “ишончилиги”ни ҳам текшириш йўлга қўйилган[15]. Ёки унинг молиявий барқарорлиги сўнгги 3 йиллик бухгалтерлик ҳисоботлари кўрсаткичлари асосида ташқаридан аудиторлик ташкилоти томонидан холис ўрганилади[11].

Хулоса ва таклифлар

БТ жорий этган халқаро стандартларда халқаро юкларни ваколатланган етказиб бериш занжирида иштирок этувчиларга минимал маълумотлар тақдим этган ҳолда чегарада божхона кўригига тушувчи юк партиялари сонини камайтириш ҳисобига соддалаштирилган божхона расмийлаштирувидан ўтказиш имкониятини яратишни халқаро савдо хавфсизлиги ва уни енгиллаштириш шартлари сифатида қабул қилган.

Божхона хизмати дуч келиши мумкин бўлган хавфлар қанча камайиши, ТИФ иштирокчиларининг товарларини чегарадан қонуний олиб ўтиш ва хавфларни қисқартиришга қаратган чораларига божхона хизмати “ишонч” билан қараши даражасига боғлиқ.

Тадбиркор текширувга тушадиган юк етказиб бериш занжири хавфсизлигини оширишга ҳаракат қилади, божхона тартиб-таомилларида енгилликка эришишга интилади. Хавф камайса, божхона учун хавфсизлик таъминланади, қонуний савдони соддалаштиришга шароит яратилади.

ВИОлар божхона назорати самарадорлиги пасайиши эмас, аксинча юкларни божхона чегарасидан олиб ўтишда ортиқча ва такрорланадиган бюрократик назоратни қисқаритишга уриниш, халқаро стандартларга божхона қонунчилигини яқинлаштириш нуқтаи назаридан ижобий жиҳатга эга.

Мамлакатимизда ВИОлар амалиёти ёш ва ривожланиш жараёнида. Унинг ривожланишини таъминловчи чора-тадбирлар етарли даражада белгиланганмаган. Масалан:

1. ВИОлар фаолияти етарли даражада ўрганилмайди. ВИО сифатида ёки умумий асосида ТИФ иширокчиси бўлиб фаолият юритиш афзалликлари солиштирма таҳлил қилинмаган.

2. ВИО шартлари қанчалик қулайлиги, мақомни олишга рад этиш сабаблари, Ўзбекистонда берилган мақом қайси давлатлар томонидан тан олинганлиги ўрганилмаган.

3. ВИОлар амалиётга киритилгач, божхона тўловлари улар томонидан тўлаш ошганганми, юклар ҳаракати фаоллашганми, чегарадан ўтиш вақти, божхона текшируви қисқарганми, ТИФ иштирокчиси фаолиятини текшириш камайганми, божхона қонунбузарлиги даражаси пасайганми, махсус соддалаштиришлардан тўлиқ фойдаланиш имкони мавжудми, божхонадан координатор ишидан қониқиш ҳосил қилинмоқдами каби саволлар очиқ қолмоқда.

4. ВИОлар ТИФ иштирокчиси тури кесимида, масалан, божхона брокери, ташувчи, улгуржи сотувчи, омбор эгаси, ишлаб чиқарувчи, экспортёр, импортёр фаолияти ўрганилмаган.

5. Махсус соддалаштиришлар ва реестрга киритиш мезон шартларини хавфни бошқариш тизими таҳлилига боғлаган ҳолда қайта кўриб чиқиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 2016 йил 20 январда. ЎРҚ-400-сон. (7¹-модда. Ваколатли иқтисодий оператор) “Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 29 апрелдаги 363-сон “Ваколатли иқтисодий оператор институтини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 августдаги 500-сон “Ваколатли иқтисодий операторлар тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 декабрдаги 800-сон “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташқи савдо юкларини божхона назорати остида ташишни соддалаштириш, шунингдек, ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларини янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 28 июлдаги “Вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 467-сон қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 25 февралдаги “Божхона аудитини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 101-сон қарори.

7. Рамочные стандарты SAFE. http://www.wcoomd.org/-/media/wco/public/ru/pdf/topics/facilitation/instruments-and-tools/tools/safe-package/ru_safe_framework_2012.pdf?la=fr.

8. Вейсель К. Проблемы уполномоченный экономических операторов в развивающихся странах. Научная статья. Южный федеральный университет. С.200. <https://cyberleninka.ru>.

9. Гудкова О.В., Таможенный контроль осуществления деятельности уполномоченных экономических операторов. Научная статья. Вестник Брянского государственного университета. 2020 (1). С.115. <https://cyberleninka.ru>.

10. Коптева Л.А., Борисова Е.М. Правовые основы института уполномоченного экономического оператора и его роль в обеспечении экономической безопасности России // Вестник Евразийской науки, 2020 №4, <https://esj.today/PDF/11ECVN420.pdf> (доступ свободный). Загл. с экрана. Яз. рус., англ.

11. Исмагилова Л.Р., Присвоение статуса уполномоченного экономического оператора: правовые новации. Научная статья. Вестник Российского университета кооперации. 2018. №4(34). С.30. <https://cyberleninka.ru>.

12. Мальцева Л.С. Уполномоченный экономический оператор в законодательстве ЕС и ЕАЭС. Актуальные проблемы теории, практики и образования в сфере таможенного дела: сборник материалов VII Международной молодежной научно-практической конференции. М.: РИО Российской таможенной академии, 2015. 388 с.

13. Пашаева И.А. Институт уполномоченных экономических операторов: проблемы теории и практики. International Journal of Humanities and Natural Sciences, vol.1-2. С.75. <https://cyberleninka.ru>.

14. Рузметов Х. Божхона органларининг “Хавфларни бошқариш тизими”да хавфларни таснифлашнинг ўзига хос хусусиятлари ва аҳамияти”. Ўзбекистон Божхона Ахборотномаси №1/2020. Б.44.

15. Тумашева Е.С., Проблемы взаимодействия таможенных органов и уполномоченных экономических операторов. Научная статья. <https://cyberleninka.ru>.

16. Ваколатли иқтисодий операторлар реестри. Ўзбекистон Республикаси ДБҚнинг вебсайти. <https://customs.uz/uz/lists/view/237>

17. Иқтисодий операторлар институт ташкил этилганига 2 йил бўлди: натижалар қандай? Халқ сўзи online. 12:17. 20/02/2021. <https://xs.uz/uzkr/post/iqtisodij-operatorlar-institut-tashkil-etilganiga-2-jil-boldi-natizhalar-qandaj>

18. Божхона тизимини коррупциядан ҳоли қилиш – энг устувор вазифа. Халқ сўзи online. 17.02.2022. 20:04. <https://xs.uz/uzkr/post/bozhkhona-tizimini-korrupsiyadan-kholi-qilish-eng-ustuvor-vazifa>

19. Андижонда 3 кун ичида 6 млрд. 636 млн. сўмдан зиёд товарларнинг ноқонуний олиб кирилиши олди олинди. Бухорода 3,2 млрд. сўмлик товарларни ноқонуний олиб кирилишига чек қўйилди. ДБҚ расмий вебсайти. <https://customs.uz/uz/news/view/7914>; <https://customs.uz/uz/news/view/7921>.

20. ДБҚ Ҳайъатининг 2022 йил 5 апрелдаги 2022 йил 5 апрелдаги 82-сон “Ҳайъат қарорини эълон қилиш тўғрисида”ги буйруғи иловаси. 2022 йил 1-чорак ва йил учун режа кўрсаткичлари.